

УДК: 633.51.631.879.4

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА
ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА ҚЎШИМЧА
ОЗИҚАЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ****ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ ПОДКОРМОК ПРИ
ВЫРАЩИВАНИИ ТОНКОВОЛОКНИСТОГО ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ
ТАКИРОВИДНЫХ ПОЧВ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ****STUDY OF THE EFFECT OF SUPPLEMENTARY FEEDS IN THE CULTIVATION OF
FINE FIBER COTTON UNDER THE CONDITIONS OF TAKIRSMIN SOILS OF
SURKHANDARYA PROVINCE****Жамшид Абдиназаров,^{1*} Сайдулло Болтаев.^{2*}**¹ *Пахта селекция, уруғчилиги ва етиштириши технологиялари илмий тадқиқот
институтининг 3-курс таянч-докторанти.*² *Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиши институтинининг қишлоқ
хўжалиги фанлари доктори, профессори.**e-mail: abdinazarov90@inbox.ru*

Телефон:

Жамшид Абдиназаров: +998 93 0612895

Аннотация

Дехқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш учун албатта тупроқ унумдорлигини тиклаш ва яхшилаш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикаимизнинг жанубий минтақаларида катта майдонларда экиб келинаётган ингичка толали ғўзанинг янги навларини қўшимча озиклантиришда ноанъанавий агрорудалардан Ховдак бентонити, Гулиоб фосфарити ва ярим чириган гўнг асосида тайёрланган компостларни турли меъёрларда шудгор остига қўлланилиб, уларнинг таъсири ва сўнгги таъсирлари ўрганилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки бентонит, Гулиоб фосфорити ва ярим чириган ҳолдаги гўнглари асосида тайёрланган компостларни қўллашда айниқса кузда шудгордан аввал берилган вариантларимизда тупроқнинг озик унсурларининг ўзгаришига сабаб булиши аниқланди. Илмий тадқиқот ишида қўшимча озика сифатида қўлланилиши кўзда тутилаётган бентонит, Гулиоб фосфорити соф ҳолда ва ярим чириган гўнглари асосида тайёрланган компостларни қўлашда муддат ва меъёрларининг таъсирлари ўрганилди.

Калит сўзлар: *Қўшимча озика, Ховдак бентонити, Гулиоб фосфарити, ярим чириган гўнг, компост...*

Аннотация

Для повышения урожайности и качества сельскохозяйственных культур в сельском хозяйстве восстановление и повышение плодородия почв является наиболее актуальной задачей. В южных районах нашей республики для дополнительной изучали внесение компостов из нетрадиционных агроруд, бентонита Ховдака, фосфорита Гулиоба и

полуперепревшего навоза под плуг в разной норме, их действие и последствие. Стоит отметить, что применение компостов, приготовленных на основе бентонита, гулиобского фосфорита и полуперепревшего навоза, особенно в наших вариантах, закладываемых под вспашку осенью, вызывает изменения в питании почвы. В научных исследованиях изучено влияние времени и норм при применении бентонита, чистого гулеобского фосфорита и компостов, приготовленных на основе полуперепревшего навоза, которые предназначены для использования в качестве подкормки.

Ключевые слова: Подкормка, ховдакский бентонит, гулебский фосфорит, полуперепревший навоз, компост...

Abstract

To increase the productivity and quality of agricultural crops in agriculture, restoring and improving soil fertility is the most urgent task. In the southern regions of our republic, new varieties of thin-fiber cotton, which are grown in large areas, were used for additional feeding of composts made from non-traditional agro-ores, bentonite of Khovdak, Phosphorite of Guliob, and semi-rotted manure under the plow at different rates, and their effects and last effects were studied. It is worth noting that the use of composts made on the basis of bentonite, Guliob phosphorite and semi-rotted manure, especially in our options given before plowing in the fall, has been found to cause changes in the nutrients of the soil. In the scientific research, the effects of time and standards were studied in the application of bentonite, pure Guliob phosphorite and composts prepared on the basis of semi-rotted manure, which are intended to be used as additional food.

Key words: Additional food, Khovdak bentonite, Guliob phosphate, semi-rotted manure, compost.

А.Т.Азизов [1] тупроқ унумдорлигини оширишда ортиқча минерал ўғитлардан фойдаланиш етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархининг ошиб кетишига ва минерал ўғитлар самарасининг кескин камайишига сабаб бўлади.

Б.М.Мусаев [2] маълумотларида ғўза ўсимлиги бир тонна пахта хом-ашёси ва унга мос вегетатив массасини тўплаш учун тупроқдан 50-60 кг азот, 5-20 кг ҳаракатчан фосфор ва 50-60 кг алмашинувчан калийни ўзлаштиради. Ғўза етиштириладиган майдон тупроқларидан турли таъсирлар натижасида озиқаларнинг чиқиб кетиши ҳосил миқдори ва сифатига боғлиқлигини аниқлаган.

Услубиётлар: Тажрибалар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” ЎзПТИ (2007) [3], агрофизикавий таҳлилларда «Методы агрохимических и микробиологических исследований в поливных районах» СоюзНИХИ(1977) услубий қўлланмаларидан фойдаланилди [4].

Ингичка толали ғўзани парваришладда тупроқ унумдорлиги муҳим аҳамият касб этади. Тупроқ таркибида умумий гумус, азот, фосфор ва калийнинг миқдорлари, қолаверса уларнинг ҳаракатчан шакллари бўлган нитратли, аммиакли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан қай даражада таъминланганлигига ҳам боғлиқдир.

Тадқиқотларнинг биринчи (2020) йилида вариантларда шудгордан аввал қўлланилган қўшимча озиқаларларнинг тупроқ унумдорлигининг ўзгаришига бўлган таъсири мавсум боши ва мавсум охирида ҳамда 2021-2022 йилларда эса сўнги таъсирлари ўрганилди.

Қўлланилган азотли ўғитларнинг фойдали коэффициентларини оширишнинг йўлларида бири Ховдак бентонит, Гулиоб фосфорит ва ярим чириган гўнлар асосида тайёрланган компостларни қўллашдир. Шунинг учун изланишларимизда қўлланилган Ховдак бентонит, Гулиоб фосфорити ва ярим чириган гўнлар асосида тайёрланган компост меъёрларининг тупроқдаги нитратли азот миқдори ўзгаришига таъсирини аниқладик. Бу маълумотларнинг кўрсатишича, тупроқда дастлабки йилида (2020) ингичка толали гўзанинг амал даври бошида нитратли азот миқдорлари 0-30 ва 30-50 см да мутаносиб равишда 18,4-11,9 мг/кг ни ташкил қилган ҳолда, амал даври охирига бориб 18,0-10,9 мг/кг ни ташкил қилиб дастлабки ҳолатидан ҳайдалма қатламида 0,4 мг/кг га камайганлиги, ҳайдалма ости қатламида 1,0 мг/кг камайганлиги аниқланди.

Андоза вариантимида амал даври бошида нитратли азот миқдорлари 0-30 ва 30-50 см да мутаносиб равишда 20,8-12,7 мг/кг ни ташкил қилган ҳолда, амал даври охирига бориб 20,5-12,5 мг/кг ни ташкил қилиб дастлабки ҳолатидан ҳайдалма қатламида 0,3 мг/кг га камайганлиги, ҳайдалма ости қатламида 0,2 мг/кг камайганлиги аниқланди.

Юқори миқдорда берилган компост 3-4-вариантларимида нитратли азот миқдорлари 0-30 ва 30-50 см да, назорат вариантыга нисбатан 6,1-2,0; 5,1-2,0 мг/кг кўпайганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида юқори миқдорда тайёрланган компостларни қўллаганда тупроқнинг гумус миқдорини, кам даражада азот, фосфор ва калий элементларини назорат ҳамда андоза вариантларга нисбатан кўпайишига олиб келди 1-2 жадваллар.

1- жадвал

Қўшимча озиқа меъёрларининг тупроқдаги, азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдорларининг ўзгаришига таъсири (2020 й.), амал даври боши, %

Вариант тартиби	Маъдан ўғитларининг йиллик меъёрлари, кг/га			Қўшимча озиқалар, т/га	Тупроқ қатламлари, см					
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O		N-NO ₃		P ₂ O ₅		K ₂ O	
					0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50
1	200	140	100	Андоза-	20,8	12,7	27,7	14,5	222	173
2	200	110	70	Назорат	18,4	11,9	24,3	13,5	216	164
3	200	110	70	13 т бентонитли компост шудгор остига ҳар йили ўсув даврида 2,0 т	24,5	13,9	28,9	15,4	233	184
4	200	110	70	13 т бентонитли компост	23,7	13,9	28,8	15,0	231	178

				шудгор остига хар йили ўсув даврида 2,0 т						
--	--	--	--	---	--	--	--	--	--	--

2- жадвал

**Қўшимча озика меъёрларининг тупрокдаги, азот, ҳаракатчан
фосфор ва алмашинувчан калий микдорларининг ўзгаришига таъсири
(2020 й.), амал даври охирида, %**

Вариант тартиби	Маъдан ўғитларининг йиллик меъёрлари, кг/га			Қўшимча озикалар, т/га	Тупрок қатламлари, см					
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O		N-NO ₃		P ₂ O ₅		K ₂ O	
					0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50
1	200	140	100	Андоза-	20,5	12,5	27,4	14,2	220	172
2	200	110	70	Назаорат	18,0	10,9	24,0	13,0	214	162
3	200	110	70	13 т бентонитли компост шудгор остига ўсув даврида 2,0 т	23,2	12,9	28,8	15,0	231	180
4	200	110	70	13 т бентонитли компост шудгор остига ўсув даврида 2,0 т	23,1	12,7	28,5	14,8	228	176

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизов А.Т. Влияние разовых норм фосфорных и калийных удобрений на накопление в почве органических остатков люцерны // Труды ин-та СоюзНИХИ. –Ташкент. Вып. 65. 1999. -С.34-40.
2. Мусаев М.Б. Агрохимё. -Тошкент, «Шарқ» нашриёти. 2001.-Б.208-246.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари ЎзПТИ (2007),
4. «Методы агрохимических и микробиологических исследований в поливных районах» СоюзНИХИ(1977).